*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 140 (6. 031) • 1986 йил 19 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



**Бугун пойтахтимиз Москвада ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.**



Москва, Кремль, 1986 йил 18 июнь. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси.

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

# КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗ—БУНЁДКОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА

Мамлакат халқ хўжалик комплексини тубдан қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг кенг кўламли вазифалари ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг диққат марказида турибди. Сессия 18 июнь куни Москвада Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг партиянинг КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан иқтисодий стратегиясини рўёбга чиқаришга қаратилган қарорлари халқ депутатлари йиғилган Катта Кремль саройидаги ишчанлик кайфиятини, юксак талабчанлик муҳитини белгилаб берди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, С. Л. Соколов, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** очди.

Бир овоздан сессия кун тартиби ва унинг иш тартиби тасдиқланади. Муҳокамага қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисида.
2. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани тўғрисида.
3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессия кун тартибидаги биринчи масалани кўриб чиқишга киришади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, депутат **Е. К. Лигачевга** сўз берилади. У шундай деди:

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисидаги таклифларни партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси, шунингдек Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан сизларнинг муҳокамангизга киритишимга рухсат этгайсиз. Бу таклифлар партия Марказий Комитетининг Пленумида маъқулланган.

Ўртоқ В. В. Кузнецов соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиқиши муносабати билан ўзини ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилишни илтимос қилди.

Партия Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ўртоқ П. Н. Демичевни сайлашни тавсия этади.

Ўртоқ П. Н. Демичев узоқ вақтлардан буён партия раҳбар органлари составига кирган, партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ССР Иттифоқи маданият министридир. У илгари Москва область ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретари, партия Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаган. Хуллас, у партиявий ва давлат фаолияти соҳасида катта тажрибага эга. Ишга масъулият билан муносабатда бўлиш, камтарлик, янги лавозимда муваффақиятли ишлаш учун зарур бўлган бошқа шахсий фазилатлар унга хосдир.

Депутатлар И. Е. Поляков, Қ. А. Халилов, Б. Е. Саркисовлар пенсияга чиққанлиги ва И. П. Калин Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан уларни ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги таклиф киритилади.

Белоруссия, Озарбайжон, Молдавия ва Арманистон партия ва совет органлари мазкур республикалардан Олий Советлари Президиумлари Раислари: Белоруссия ССРдан депутат Г. С. Таразевични, Озарбайжон ССРдан депутат С. Б. Татлиевни, Молдавия ССРдан депутат А. А. Мокануни, Арманистон ССРдан депутат Г. М. Восканянни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари этиб сайлашни таклиф қиладилар.

Биз, шунингдек, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг баъзи аъзолари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқишимиз керак. Маълумки, депутат Л. Н. Зайков Ленинград область партия комитетининг биринчи секретарлиги пайтида СССР Олий Совети Президиуми составига сайланган эди. Ҳозирги вақтда у партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретаридир. Ўртоқ Л. Н. Зайков ўз диққат-эътиборини партия Марказий Комитети секретари вазифасини ижро этишга қаратиши зарурлиги муносабати билан уни СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритилади.

Шунингдек, депутат В. В. Гришин пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Президиум аъзоси вазифасидан озод қилиш таклиф этилади.

Партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари депутат Б. Н. Ельцин ва партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари депутат Ю. Ф. Соловьевни СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлаш таклиф этилади.

Сессия депутат В. В. Кузнецовни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Депутат П. Н. Демичев бир овоздан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди. Айни вақтда у СССР маданият министри вазифасидан озод қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисидаги бошқа таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия депутатлар И. Е. Поляков, Қ. А. Халилов, И. П. Калин, Б. Е. Саркисовларни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари вазифаларидан, депутатлар Л. Н. Зайков ва В. В. Гришинни СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари вазифаларидан озод қилди.

Депутатлар Г. С. Таразевич, С. Б. Татлиев, А. А. Мокану, Г. М. Восканян бир овоздан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари қилиб сайланадилар.

Депутатлар Б. Н. Ельцин ва Ю. Ф. Соловьев бир овоздан СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари этиб сайланадилар.

Сўнгра СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. И. Рижков доклад қилди.

Шу билан СССР Олий Совети палаталарининг биринчи қўшма мажлиси тугади.




# ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

**БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАТОРИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИНИ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР. ПЛЕНУМ МАТЕРИАЛЛАРИ, ПАРТИЯМИЗ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ ШАҲРИМИЗ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА.**

## ДАВР ТАЛАБИ

**Биз, енгил саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми материаллари ва КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси билан қизиқиб танишдик.**

**Чиндан ҳам Коммунистик партиямиз мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада тараққий эттиришда биз совет меҳнаткашлари олдига қатор шарафли вазифалар қўймоқда. Мурожаатномада таъкидланганидек: «Металл, ёқилғи, ёғоч, электр энергияни бошқалардан кўра яхшироқ тежаган, халқ мулкини эҳтиёт қилган киши мусобақада ғолиб чиқади» дейилган. Бу фикрга нақадар синчковлик билан назар ташлайдиган бўлсак ҳар бир иш жойида тежаб қолишга арзийдиган кўпгина имкониятлар бор.**

**Шахсан мен ўз ишимни яхши ташкил қилган ҳолда смена топшириғини 150 процентдан бажаряпман. Дугоналарим С. Турдиева, К. Швецова, С. Раҳимова, Р. Фахрутдинова сингари чеварлар ҳам илғорликни қўлдан бермай садоқат билан меҳнат қилишмоқда. Партиямизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган барча вазифаларни сидқидиллик билан амалга оширамиз.**

**А. ОДИЛБЕКОВА,**

**Сергелидаги Октябрь 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-цехи прессловчиси, Тошкент шаҳар Совети депутати.**

## Сўз ва иш бирлиги

Корхонамизда 1 минг 300 дан ортиқ ишчи-хизматчи бор. Коллективимиз ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили биринчи квартали бўйича зиммадаги топшириқни шараф билан адо этиб, Чилонзор район кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Беш ойлик план муддатидан илгари адо этилиб, йўловчиларга 125 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу юқори кўрсаткичларга ишни тўғри ташкил этиш орқали эришмоқдамиз. Бунга мисол тариқасида мен бошчилик қилаётган 30 кишидан иборат ҳайдовчилар бригадасини олайлик. Мана бир неча йилдирки, ҳар доим зиммамиздаги планларни 110—115 процент қилиб адо этамиз. Фақат бир маротаба бу кўрсаткич 108 процентни ташкил этди. Бригада пудрати бўйича ишлаётган аҳил ҳамкасбларимнинг сўзи билан иши бир эканлиги мени жуда қувонтиради.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида айтилган барча сўзларга тўла қўшиламан.

Йиллик планни 26 декабрга бажаришга аҳд қилган коллективимиз аъзолари пландан ташқари 160 минг сўмлик хизмат кўрсатишга аҳд қилишган. Бундай юқори кўрсаткичларга илғор тажрибаларни оператив умумлаштириш ва жорий қилиш билан, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам билан бажариш мумкин. Коллективимиз бир оила фарзандларидек меҳнат қилиб, зиммаларига олган топшириқни албатта бажариш учун барча имкониятларни ишга солишади.

**М. ШАНГАРИЕВ,**

**«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 5-таксомотор парки ҳайдовчиси Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, X—XI беш йиллик зарбдори.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

XI чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг III сессияси 27 июнь куни иш бошлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу муносабат билан Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик Давлат планини дастлабки тартибда кўриб чиқишни ва шу план юзасидан тегишли хулосалар тайёрлашни республика давлат ҳокимияти олий органининг доимий комиссияларига топширди.

18 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссиясининг ва бошқа доимий комиссиялар вакилларининг қўшма мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси И. А. Каримов мажлисда доклад қилди.

Мажлис қатнашчилари республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик Давлат планини Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссиясида ва бошқа доимий комиссияларида дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартибини белгиладилар. Шу муносабат билан тайёргарлик комиссиялари тузилди. Халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларининг кенг доиралари, иқтисодчилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари шу комиссияларнинг ишида қатнашишга жалб этилди.

Тайёргарлик комиссиялари министрлик ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари раҳбарларининг ахборотларини тинглайди.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон меҳмони

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Лионель Сото Прието Ватанига жўнаб кетиши олдидан хайрлашув визити билан Ўзбекистонга келди.

Лионель Сото Прието 18 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова ҳузурида бўлди, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигида қабул қилинди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатлар чоғида Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги дўстлик, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар доимо ривожланиб, мустаҳкамланаётганлиги таъкидланди. Суҳбатларда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри Р. Н. Нишонов иштирок этди.

Лионель Сото Прието Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига борди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. У Ўзбекистон пойтахтидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган кубалик йигит ва қизлар билан учрашди.

Куба элчиси Самарқандга боради.

(ЎзТАГ).

